Ф.Б. САГУ
ЭКЗЕМПЛЯР
ЧИТАЛЬНОГО ЗАЛА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 151 (1413)
2 АВГУСТ ЯКШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Бутуниттифоқ Темирйўлчилар куни.

Совет темирйўлчилари ўзларининг шонли байрамларини коммунизм қурилиши ишларида катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

Мамлакатимиз пўлат изларининг эгалари бўлган Совет темирйўлчиларига КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишларида катта муваффақиятлар тилаймиз!

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Бугун Темирйўлчилар куни. Мамлакатимиз пўлат излари эгаларининг ҳар йили бўладиган бу традицион кунини темир йўл транспортининг шонли армияси билан бир қаторда бутун совет халқи ҳам зўр қувонч билан байрам қилади.

Темир йўл транспорти — мамлакат экономикасининг қон томиридир. Ана шу томир қанчалик соғлом бўлса, у доимо бир меёрда қанчалик бардам тепиб турса, социалистик экономикани ривожлантириш, совет кишиларининг моддий-маданий турмуш даражасини янада ошириш соҳасида партия белгилаган муҳим тадбирлар шу қадар муваффақият билан амалга оширила беради. Темир йўл транспортининг халқ хўжалигида тутган ғоят катта салмоғи эътиборга олиниб, уни ҳозирги замон техникаси билан таъин ҳам кўпроқ қуроллантиришга алоҳида эътибор берилаётир. Биргина шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида Ватанимиз корхоналарида 446 та ёки 1958 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 39 процент кўп тепловоз, 206 та электровоз, 19 минг 200 та юк вагонлари ва 865 та пассажир вагонлари ишлаб чиқарилди.

Темирйўлчиларимизнинг халқ хўжалигини юксалтириш йўлида қилаётган қаҳрамонона меҳнати ҳамма вақт партия ва халқимиз томонидан юқори баҳоланиб келди. Темирйўлчилар куни муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ мамлакатимиз темир йўл транспортини ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун 4746 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланганлиги ана шу ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ғоят катта муваффақиятлари учун темир йўл транспортиниг 195 ходими Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Булар орасида Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг токари Абдушукур Қодиров, Тошкент темир йўлининг бошлиғи Азиз Қодиров ва Тошкент тепловоз депосининг машинисти Василий Немудров ўртоқлар ҳам бор. Темирйўлчиларимиз ўзлари ҳақида қилинаётган бу ғоят катта ғамхўрликларга жавобан бир гайратга-ўн гайрат қўшиб ишламоқдалар.

Бугун мамлакатимиз темирйўлчилари билан бир қаторда Тошкент ва Урсатьевск темир йўл бўлиналарининг коллективлари ҳам етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўзларининг традицион байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми темир йўл узелларида механизация ва автоматизациядан кенг фойдаланган ҳолда поездларни тузиш ва вагонларни составлардан ажратишнинг замонавий усулларини жорий этиш, станция ва темир йўл линияларида стрелка ҳамда сигнал ускуналарини марказдан туриб бошқариш, электровоз ва тепловозларнинг бориб келадиган участкасини узайтириш ҳисобига уларнинг бир суткада кўпроқ йўл босиб ўтишини таъминлаш — пўлат магистрал коллективларининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйилди.

Партиянинг техникани тинмай тараққий эттирабориш ҳақидаги кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш мақсадида Тошкент темир йўлида ҳам фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда.

Етти йиллик план темир йўл транспорти олдида ҳам ғоят катта ва порлоқ истиқболларни очади. Яқин йиллар мобайнида тепловозлар паровозларни бутунлай қисиб чиқаради. Паровозлар ўрнига тепловозларни жорий этиш биргина темир йўл Тошкент бўлинмасида қарийб 100 минг тонна кўмирни тежаб қолиш, йилига юк ташиш учун қилинаётган харажатларни 15—20 миллион сўм камайтириш имконини беради.

Тошкент темирйўлчилари энг муҳим кўрсаткичлар бўйича етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражага муддатидан 1—2 йил илгари эришиш мажбуриятини олганлар.

Халқ хўжалигининг тез суръатлар билан юксалиб бораётганлиги ўз навбатида темирйўлчиларимиз зиммасига ҳам янги вазифалар юклайди. Давлат манфаатлари, халқ манфаатлари темир йўл транспортидаги барча резервлардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқаришдаги мавжуд камчиликларни қатъият билан тугатишни талаб этаётир. Локомотивларнинг юриш тезлигини ошириш темир йўл транспорти техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб боришнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Партия Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари ва Мурожаатидан бениҳоя руҳланган темирйўлчиларимизнинг қалби Ватан техникасини бутун чоралар билан юксалтириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига кўпроқ ҳисса қўшиш орзуси билан, етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошгандир. Ҳеч шубҳа йўқки, пўлат изларнинг шонли коллективлари темирйўл транспорти олдига қўйилаётган вазифаларни шараф билан бажариш йўлида, Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш йўлида, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши йўлида бундан кейин ҳам ўзларининг бутун куч ва гайратларини аямайдилар.

АВГУСТДА ҲАМ ҒЎЗА ПАРВАРИШИ СУРЪАТИНИ СИРА БЎШАШТИРМАЙЛИК!

«Оққўрғон» совхозининг ишчилари шу кунларда ҳам ғўза парваришини қизғин давом эттириб, мўл ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Суратда: совхознинг илғор механизатори Юрий Демченко ғўзаларни культивация қилаётир. Донрада ўртоқ Ю. Демченко.

С. Селимов фотоси.

Чеканка сифатли ўтказилаётир

Сирдарё районининг пахтакорлари мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи тадбирларнинг бири бўлган чеканка ишига катта эътибор бермоқдалар. Районнинг Максим Горький номли, Куйбишев номли, Свердлов номли, «Победа» колхозларида бутун куч ана шу ишни ўз вақтида муваффақиятли туғаллашга сафарбар қилинган. Бу хўжаликларнинг Т. Бегалиев, Б. Файзиев, Х. Эргашев, Ю. Нурматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши дастлабки вақтларданоқ уюшқоқлик билан ўтказилиб, унинг эрта ҳосилга кириши таъминланди.

Ҳозирги кунда ана шу бригадаларда чеканка тугалланди. Бригада аъзолари мўл ҳосил учун курашни заррача бўшаштирмай, ҳозир ҳам ғўза қатор ораларида сидқидиллик билан меҳнат қилмоқдалар.

«Социализм», «Гулистон» совхозлари пахта далаларида ҳам иш қизғин давом этмоқда.

Н. Давронов, О. Қурбонов, С. Мамасолиев, М. Каттабеков, Ю. Нурматов, Т. Маматқулов, С. Жўраев, Д. Раҳматов, А. Султонов.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЯНГИЙЎЛ. — Ҳозиргача барча майдондаги ғўзаларимизни тўрт марта узунасига, уч марта кўндаланг культивациядан чиқардик, — дейди бригадир ўртоқ Жўра Рустамбеков, — бундан буён ҳам суръатни бўшаштирмаймиз. 75 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йилдагига қараганда анча кўп ҳосил топшириш учун курашамиз.

Ҳақиқатан ҳам Киров номли колхознинг бу бригадаси аъзолари ишидан ўрнак олса арзийди. Меҳнатсевар коллектив квадрат-уялаб экилган майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда.

Ф. ФОЗИЛОВ.

ФЕЛЬЕТОН

АЧЧИҚ ХАТ

Урта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи Ким Чан Суга!

Муҳтарам дўстим!

Кечаси ҳам, кундузи ҳам, ҳатто ухлаб ётганда тушларингизда ҳам Сиз муҳтарам агрономни шира, кўк қурт, ўргимчак кана, ун шудринги каби ҳашаротлар талаб, Сиз каби муътабар бир зотни хафа қилаётганини эшитиб, кўнглим ғоят озор топди. Чунки сиз ҳашаротларга нисбатан ҳеч қачон қаттиқ қўл бўлган эмас эдингиз. Ўзингиз ҳашарот парвар одам бўлганингиз туфайли доимо уларни ардоқлаб, эзозлаб, бошини силаб келдингиз. Айниқса сизнинг ўргимчак канани ғоят севишингизни ҳаммамиз ҳам билар эдик.

Ҳашаротлар, ана шу кўрнамак ҳашаротлар, даставвал 1—2 гектар ерда кўриндилар. Кишилар бу ҳақда маслаҳат сўраб сизга телефон қилдилар, шовқун кўтардилар. Сиз бўлсангиз бу тўполонлар ҳашаротлар ҳаётини таҳлика остида қолдиришини аввалдан сезиб, хабарларга нисбатан бепарво бўлдингиз. Натижада ҳашаротлар район пахта майдонининг 11 ярим минг гектарини ўзларининки қилиб олишди, яхшигина ҳаёт кечирдилар. Кўсакларни еб семирдилар ғўза тупларини қуритиб, шоналарни гуллигида сўрдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси сиз туфайли бўлмадими ахир! Буни ҳашаротларга нисбатан қилинган ғамхўрликнинг ягона формаси деб атамасак, унда нима ҳам деб аташ мумкин, бўларди. Агар сиздан ўзга раҳбар бўлганда эди, ҳашаротга нисбатан қаттиқ қўл, тош кўнгил, эл бойлигини севувчи раҳбар бўлганда эди, «бу шира, бу ўргимчак кана» деб ўтирмас эди. Уларни ўз вақтида янчиб ташлаган, бола-чақаси оч қолади, дунёга келиб нимани кўрибди, деб ўтирмаган бўлар эди. Сизнинг юқоридаги каби қилган яхшиликларингизни унутиб, бугун ўзингизга ҳам ташланишга, уйқингизда бўғишга ҳаракат қилаётган шира, ўргимчак каналар уялиши керак эди.

Мен бундан 2 — 3 кун аввал сизнинг районингизда бўлганимда «Гулистон», Ленин номли, Куйбишев номли, Свердлов номли, «XX партсъезд» колхозларининг далаларида бўлдим. Чиндан ҳам шира ёки ўргимчак кана тушмаган майдонни учратиш амри-маҳол бўлди. Давлатингиз соясида жавлон уриб юрган ҳашаротларни ўз кўзим билан кўрдим. Айниқса «Гулистон» колхозидаги Нем Ж. Х. бошлиқ бригада даласидан гарчи самолёт дори сочиб ўтган бўлсада, ҳашаротлар пайкал чеккаларида, самолёт пастлай олмайдиган жойларда ҳали жавлон ураётганини, яйраб ўсаётганлигини кузатдим. Сиз бўлсангиз (яна ўша кўрнамак ҳашаротларни ҳимоя қилиб) менга бу колхозда ҳашарот оти мутлақо тугатилган, деб айтган эдингиз. Мен колхоз раиси Цой Ен Фирдан:

— Нега ер чеккаларига қўл аппаратлари билан дори сепмадингиз? — дея сўрадим.

Цой Ен Фир аввал эсиади, сўнг керишди. Ниҳоят бир кўзини қисиб:

— Ўртоқ Ким Чан-Су хафа бўладилар! — деб қўйди. Мен худди шунга ўхшаш аҳволни бошқа колхозларда ҳам бир неча бор учратдим. Биронта колхозда ҳам ишлаб турган

Агроном Ким Чан Су: — яхшиликка ёмонлик эканда, дод..

———☆ ☆———

қўл аппаратини учратмадим. Ҳатто «Гулистон», Ленин номли, Куйбишев номли колхозларда ОДН машиналари ҳам тўхтатиб қўйилибди. Мен ўзингиздан:

— Аппаратлардан нега фойдаланмайсизлар? — деб сўраганим эсингиздадир. Сиз бўлсангиз жавоб ўрнида аввал менга қараб ҳуштак чалдингиз. Сўнгра, мен саволни яна такрорлагач:

— Мумкин эмас! — дея шартта жавоб бердингиз.

Ана шуларнинг ҳаммасини ҳашаротларни ҳимоя қилиш учун, бевақт ўлиб кетишидан сақлаб қолиш учун қилган эдингиз. Буни мен ўшанда аниқ сезган эдим.

Гап навбати келиб қолгани учун яна икки нарсани айтиб кўнглингизни кўтариб, бошингизга тушган ташвишда ҳамдард эканлигимни қайд қилиб ўтишимга рухсат бергайсиз. Эсингизда бордир. Мен:

— Пахта майдонига самолёт билан дори сепилмаган неча колхоз қолди? — деб сўрадим. Сиз дадил туриб:

— Ҳаммасига икки мартадан сепилди, — дедингиз.

Ваҳоланки «XX партсъезд» колхозига, Куйбишев номли колхознинг кўпчилик пахта майдонларига ҳали самолёт бирон марта ҳам борган эмас эди. Мен ўшанда ёлғон сўзлашга сизни нима мажбур қилганини жуда яхши тушундим ва бу қилаётган яхшиликларингизни ҳашаротлар ҳеч қачон унутмасалар керак, деб ўйладим.

Мен қатор колхозларда бўлиб раҳбарлар билан сўзлашганимда, улар ўз пахта майдонларининг неча гектарига ҳашаротнинг қандай тури тушганлигини очиқ айтиб бера олмадилар. Колхозда ҳашаротга карши неча одам ажратилганлигини ўзлари ҳам билмайдилар. Чунки колхозларда ҳашарот тушган майдон, унга карши курашиш учун ажратилган куч ҳисобга олинмас экан. Сводкаларда «ҳашарот» деган пункт ҳали очилмабди ҳам.

Маълум бўлишича юқоридан ҳеч қандай контроллик бўлмагани, ҳеч ким бу ҳақда сўрамаётганлиги туфайли ана шундай аҳвол юз бераётган экан. Ҳатто ўзингиз ҳам менга бундан 20 кун аввал олинган (ҳашаротлар соат сайин кўпаяди!) маълумотни пеш қилган эдингиз.

Кўрнамак ҳашаротлар ана шуларни ҳам билмаган бўлса, кирилиб кетсин ўша маҳлуқлар!

Лекин ўртоқ Ким Чан-Су руҳингиз тушмасин, дадил бўлинг! Бошқа ҳашаротлар сизга ҳужум қилган тақдирда ҳам уват четларида, марзаларнинг устида, пайкалларнинг этагида, ғўза бўйидаги ариқлар ичида жон сақлаб келаётган ҳашаротлар сизни ҳеч қачон унутмайдилар. Уларни йўқотиб ташлаш ҳақида ҳеч кимга ҳеч қандай кўрсатма бермаганингиздан улар ғоят миннатдордирлар. Сизни ва бола чақаларингизни дуо қилиб юрибдилар.

Муҳтарам агроном! Юқоридаги сўзларни сизга ҳамдардлигим туфайли айтдим. Энди сизга ёрдам беришбера олмаслигим масаласига келганда фақат шуни айта олишим мумкин: сиз яхшиси район партия комитетига мурожаат қилинг. Ўзингизни қандай қилиб ҳашаротдан қутқазиш ҳақида ҳам, район ғўзаларини зараркунандалардан қай усул билан асраб қолиш ҳақида ҳам ўша ўртоқлар бирон маслаҳат беришар. Мен бунга қаттиқ ишонаман.

Эҳтиром билан.
«УРТҲҚМОҚ».

СССР мукофотлари топширилди

31 июлда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Вишний Волочок ип-газлама комбинати йигирув фабрикасининг бригада бошлиғи В. И. Гагановага Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширди. В. И. Гаганова кўп ҳақ тўланадиган илғор бригададан ихтиёрий равишда қолоқ бригадага ўтиб, ала шу бригадани ҳам илғор бригадалар даражасига кўтариб, совет жамияти манфаатларига хизмат қилиш йўлида шахсий фидокорона ўрнак кўрсатганлиги учун, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш йўлида бошланган буюк ҳаракатни янада ривожлантиришда зўр аҳамиятга эга бўлган жуда муҳим ташаббус учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон олишга сазовор бўлган эди.

СССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси В. А. Кучеренкога Ленин ордени топширилди. В. А. Кучеренко 50 ёшга тўлиши муносабати билан ҳамда совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ана шу юксак мукофот билан тақдирланган эди.

К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академияси йилқичилик кафедрасининг мудири профессор В. О. Виттга Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди. В. О. Витт 70 ёшга тўлганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари учун юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Туғилган кунига 70 йил тўлиши ва совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган шоир Н. Н. Асеевга ҳам ана шу мукофот топширилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе мукофотлаш тўғрисидаги Фармонларни ўқиб беради.

К. Е. Ворошилов мукофотларни топширар экан, мукофотланганларнинг ҳар бирини давлат олдидаги меҳнат хизматларини кўрсатадиган юксак мукофотларни олганликлари билан чин кўнгилдан қутлайди, уларга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақият билан ҳал этишга қаратилган меҳнатларида мукофотланганларга янада муваффақиятлар тилайди.

К. Е. Ворошилов Валентина Гагановани алоҳида самимият билан табриклайди. У, шу нарсани таъкидлаб ўтадики, Валентина Гагановани жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ажойиб ташаббуси меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг, ижтимоий бурчни чуқур тушунишнинг ёрқин намунасидир, бу совет кишисининг партия XXI съезди қарорларига амалда жавоб беришидир.

В. И. Гаганова, В. А. Кучеренко, В. О. Витт ва Н. Н. Асеев ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Ҳукуматига қизғин ташаккур билдирдилар ҳамда бундан буён ҳам Ватанга хизмат қилиш, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига ўз куч-қувватларини, билимлари ва тажрибаларини бағишлаяжаклари ҳақида ишонтирдилар.

Августдаги бизнинг тадбирларимиз

Бепоён мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида иш қизғин. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятида гайратга-гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг совхозимиз коллективи ҳам Пленумга муносиб тўёна тайёрлаш — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни муваффақиятли бажаришга аҳд қилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Шу мақсадда совхозимизнинг ишчилари бир-бирлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар.

Биз область қишлоқ хўжалик илғорларининг яқиндагина бўлиб ўтган кенгашида совхозимизда ғўза парваришини кучайтириб, июль ойида мўл ҳосил тўплаш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширишга сўз берган эдик. Мана, июль ойи ҳам тугади. Шу давр ичида қилган ишларимизга якун ясаганимизда кўпгина ютуқларни қўлга киритганлигимиз, шу билан бирга баъзи бир камчиликларга йўл қўйганлигимиз ҳам маълум бўлди. Жумладан, ғўзаларнинг текис ривожланишини таъминлаб, мўл ҳосил тўплаш юзасидан қилган ишларимиз чакки бўлмади. Катта-катта майдонларимиздаги ғўзалар серҳосил бўлиб ривожланмоқда. Бироқ очиғини айтиш керакки, шу билан бирга ҳали қўшимча ишлов беришни талаб қиладиган ерларимиз ҳам анчагина бор. Бундан 3-4 кун илгари районимизда бўлган мусобақадош Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро-текшириш бригадаси аъзолари кўпгина қимматли маслаҳатларни бердилар. Озарбайжонлик дўстларимиз «ғўзангизнинг ривожи чакки эмас, лекин унинг кўкига ишониб ишни бўшаштириб юборманглар, суғориш, культивация ишларини айниқса уюшқоқлик билан ўтказинглар, август ойида ҳам суръатни бўшаштирманглар» деб маслаҳат бердилар. Биз активлар билан биргаликда мусобақадошларимиз томонидан кўрсатилган камчиликларни, уларнинг фикрларини атрофлича муҳокама қилиб чиқдик. Сўнгра ўз ички имкониятларимиз, резервларимизни ҳисобга олиб август ойида ғўзани парвариш қилиш юзасидан амалга оширилиадиган тадбирларни белгиладик.

Суғоришга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз. Август ойи ичида барча майдондаги ғўзаларимизга икки марта сув қўямиз. Бўлим бошлиқлари, бригадирлар, агрономлар суғоришнинг сифатли ўтказилиши устидан шахсан контроллик қиладилар. Карталарнинг кўллатиб юборилиши, бостириб суғорилишига сира ҳам йўл қўймаймиз.

Маълумки, эндиликда ғўзаларнинг бўйи анча ўсиб қолди. Шу туфайли культивация ишларини ғоят эҳтиётлик билан ўтказиш талаб қилинади. Бизнинг механизаторларимиз бу вазифанинг уддасидан чиқа оладилар, улар яна барча майдонлаги ғўзани камида 1,5 марта узунасига, бир марта кўндалангига культивациядан чиқарамиз, шу билан бирга ишнинг сифатли бўлишини таъминлаймиз, деб айтмоқдалар. Биз механизаторларнинг бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб билан бирга, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб берамиз.

Совхозимиз бўйича 5550 гектар ерда ғўза ўстирилмоқда. Шундан 3800 гектар ернинг пахтасини машинада теришни планлаштирганмиз. Бу шарафли вазифанинг уддасидан чиқиш учун чигит экилган дастлабки кунларданоқ тайёргарлик кўрмоқдамиз. Машина терими учун ажратилган майдонлардаги ғўзаларимизни алоҳида парвариш қилаётирмиз. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ, бу майдондаги ғўзалар анчагина дуруст ривожланмоқда. Ғўза қатор ораларида бегона ўтнинг бўлмаслиги терим машиналарининг муваффақиятли ишлашини таъминлайдиган тадбирлардан биридир. Шу туфайли биз август ойида ҳосили машинада териш учун ажратилган ана шу 3800 гектар ерни икки марта, қолгал ерларни эса бир марта ўтдан тозалашга аҳд қилдик. Бунинг учун ҳар бир бўлим, бригадаларда махсус ишчи кучлари ажратилади, булар график бўйича иш олиб борадилар.

Ҳаммаси бўлиб 100 та пахта териш машинасига эгамиз. Ҳозирга қадар шундан 70 таси тўлиқ ремонтдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек 53 та кўрак чувиш машинасидан 37 таси мавсумга тахт қилиб қуйилди. Қолган механизмларни ҳам узоғи билан 10 августга қадар мавсумга тахт қилиб қўйиш учун курашамиз.

Мен юқорида совхозимиз ишчиларининг ғайрати зўр, КПСС Марказий Комитети Пленумили меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар, деб айтган эдим. Бу мусобақа ҳозирнинг ўзидаёқ ажойиб натижаларни бермоқда. Бизда Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилиб гектаридан 35-40 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётган бригадалар кўп.

3-бўлимнинг ўртоқ Қ. Ражабов бошлиқ бригадаси ишчилари ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Бу бригадада 115 гектар ерда ғўза ўстирилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар туп ғўзада 9-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригада ишчилари бундай муваффақиятларга суғориш, озиқлантириш, культивация ишларини бир-бирига мувофиқлаштириб ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказаётганликлари туфайли эришмоқдалар. Шу бўлимнинг ўртоқ А. Бегалиев бошлиқ бригада ишчилари ҳам суръатни кундан-кунга кучайтириб, мўл ҳосил тўпламоқдалар.

Совхозимизда иккита бўлим, айниқса олдинда бормоқда. Булардан бири ўртоқ Отабой Хўжаев бошлиқ 7-бўлимдир. Бўлимнинг 534 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил топшириш мажбурияти олинган. Бўлим ишчилари 400 гектар ернинг ҳосилини машинада териб олишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда 10 та пахта териш, 6 та кўрак чувиш машиналари ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди. Ўртоқ О. Тўғонов бошлиқ бўлим ҳам бу жиҳатдан ибрат бўларли тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳар иккала бўлим ишчилари техникадан унумли фойдаланиб мўл, шу билан бирга арзон баҳодаги пахта етиштириш ниятида август ойи тадбирларини тинмай амалга оширадилар.

Бизнинг август ойида ғўза парваришини ташкил этиш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларимиз қоғоздагина қолмайди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти контроллини кучайтириб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун бутун чораларни кўради. Биз август ойи тадбирларини тўла амалга ошириб, албатта мўл ҳосил етиштирамиз.

Ж. АКРОМОВ,
«Оққўрғон» совхозининг директори.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИМИЗНИНГ ЯНАДА РАВНАҚИ УЧУН!

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Абдушукур ҚОДИРОВ — Паровоз-вагон ремонт заводининг токари.

В. Н. НЕМУДРОВ — Тошкент темир йўли Тошкент тепловоз депосининг машинисти.



Азиз ҚОДИРОВ — Тошкент темир йўлининг бошлиғи.

Темир йўл транспорти ходимларига ҳукумат мукофотлари берилди

Темир йўл транспортини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми темир йўл транспорти ходимларидан 4.746 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

569 киши Ленин ордени билан мукофотланди. Булар орасида Омск темир йўли Славгород паровоз депосининг машинисти А. П. Савчук, Калинин темир йўлидаги Ильич номли локомотив депоси электровозининг машинисти Ф. А. Зайцев ва бошқалар бор.

1.278 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 1.680 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 516 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан ва 703 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан мукофотланди.

Темир йўл транспортини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги учун 195 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Булар орасида Москва-Сортировочная локомотив депосининг старший машинисти В. Г. Блаженов, Йўллар министри Б. П. Бещчев, Москва-Курск-Донбасс темир йўли Кусково станциясининг поезд тузувчиси Н. Д. Гурьев, Забайкалия темир йўли Зилово локомотив депосининг старший машинисти И. Т. Соловьев, Донец темир йўли Красний Лиман паровоз депосининг старший машинисти Г. С. Шумилов, Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг токари Абдушукур Қодиров, Тошкент темир йўлининг бошлиғи Азиз Қодиров ва Тошкент темир йўли Тошкент тепловоз депосининг машинисти Василий Немудровлар бор.

(ТАСС).

Муваффақиятларни янада мустаҳкамлаймиз

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорларида мамлакатимиз темирйўлчилари олдига жуда катта ва шу билан бирга шарафли вазифалар қўйилди. Етти йилликда СССР темир йўл хўжалигининг қиёфаси тубдан ўзгаради. Темир йўл транспорти тамомила қайта қуроллантирилади. Электровоз ва тепловозлар қатнайдиган участкалар бир неча баравар кўпаяди.

Темир йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасида белгиланган бу улуғвор тадбирлар коллективимизнинг ғайрат ва ташаббусини янада ошириб юборди. Бунга жавобан транспортчиларимиз локомотивлардан унумли фойдалана бошладилар. Ҳозирги вақтда бизда халқ хўжалиги юкларининг деярлик 90 процента тепловозларда ташилаётир. Паровозларга нисбатан анча тежамли бўлган тепловозлардан фойдаланиш бўлимимизга катта фойда келтираётир.

Тепловозларни жорий қилиш, янги техникадан фойдаланиш бўлимимиз иш кўрсаткичларини яхшилашга, вагонлар оборотини тезлаштиришга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга, ҳар йили давлатнинг миллионлаб маблағини тежаб қолишга имкон бераётир. Бу йил ҳар бир поездда ташилаётган юк ҳажми 1955 йилдагига нисбатан 22 процент кўпайди, тепловозларнинг меҳнат унумдорлиги 2,8 баравар ошди, участкалар орасидаги поездларнинг ҳаракат тезлиги 11 процент кўпайди, юк ташиш харажатлари эса деярлик икки баравар арзонлашди.

Етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитаётган транспортчиларимиз етти ойлик юк обороти планини анча ошириб бажардилар. Локомотивларнинг иш унумдорлиги белгиланганига нисбатан 3,8 процент ошди. Транспорт харажатларини камайтириш ҳисобига шу давр ичида 2,5 миллион сўм маблағ тежаб қолинди.

Коллективимизнинг бундай муваффақиятларга эришишида илғор транспортчиларнинг ҳиссасини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Ўзларининг традицион байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилган юзлаб темирйўлчиларимиз ишлаб чиқариш топшириқларини муэтазам равишда ошириб бажариш, мавжуд техникадан унумли фойдаланиш ва резервларни қидириб топишла бошқаларга намуна кўрсатдилар. Тепловоз депосининг кўпгина машинистлари илғор иш усулларини қўлланиб ажойиб натижаларга эришдилар. Труженников, Лайшев ўртоқлар сингари пешқадам тепловозчилар шахсий истеъмол ҳаражатларини, биринчи бўлиб, оғирлиги ўнлар ва минг сўмлик давлат маблағи тежалганлиги ёзилиб қўйилган. Бўлинмада оғир юкли поездларни бошқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги натижасида шу йилнинг ўтган ойлари ичида планга қўшимча равишда 2 миллион 600 минг тоннага яқин халқ хўжалиги юклари ташилди.

Бўлинмамизнинг пешқадам диспетчерлари оғир юкли поездлар тузиб, уларни белгиланган вақтларда жўнатиб турдилар. Нуъмонов, Колемасова сингари диспетчерлар, бўлим навбатчиларидан Сисоев, Кочубей ўртоқлар ўз вазифаларига сидқидиллик билан муносабатда бўлиш натижасида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Поездлар ҳаракатини тезлаштириш, уларнинг авариясиз юришини таъминлаш, вагонлардан унумли фойдаланишда бу ўртоқларнинг хизматлари каттадир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати темир йўлчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш, уларнинг иш шароитларини енгиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам темирйўлчилар оилалари учун 250 квартира фойдаланишга топширилади. Умуман йил давомида капитал қурилиши учун 22 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Бу маблағ ҳисобига муз заводи, пассажирлар парки қурилади. Бундан ташқари кўп юк кўтарадиган вагонлар парки янада кенгаяди, ўнлаб металл вагонлари олинади.

Бўлимимизнинг етти йилликка мўлжалланган перспективаси янада порлоқдир. Яқин 2—3 йил ичида 700—1000 ҳамда 3000 от кучига эга бўлган ўнларча тепловоз олинади. Тепловозлардан фойдаланишни тобора яхшилаш ҳар йили 100 минг тоннага яқин кўмирни иқтисод қилиш, бу билан эса юк ташиш харажатларини 15—20 миллион сўм камайтириш имконини беради.

Коллективимиз етти йилликнинг муҳим кўрсаткичларига муддатидан бир-икки йил илгари эришиш ҳақида ўз зиммасига юксак мажбурият олди. Ўзларининг традицион байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган темирйўлчиларимиз бу программани ҳам шараф билан бажаришга астойдил бел боғладилар.

З. НИШОНБОЕВ,
Темир йўл Тошкент бўлинмасининг бошлиғи.

Ташаббускорлик самараси

Салор станциясининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумидан сўнг ғайрат ва ташаббускорлигини янада кучайтирди. Даставвал, биз ички резервлардан тўла фойдаланишга, шу жумладан, вагонлар оборотини тезлаштириш, поезд тузиш ва жўнатишнинг прогрессив методларини кенг жорий қилиш, юкларни зичлаб жойлаштириш соҳасидаги илғор тажрибани қўлланиш, вагонларнинг бекор туриб қолиш вақтини қисқартириш ҳамда юк тушириш-ортиш ишларида механизациядан унумлироқ фойдаланишга интилдик.

Илгари станциямизда маневр ишлари паровозлар ёрдамида бажарилиб, кўпгилдагидек натижага эриша олмасдик. Биз паровозларни тепловозлар билан алмаштирдик. Бу эса илгаригига қараганда қарийб икки баравар ортиқ иш қилишга имкон берди.

Вагонлар оборотини тезлаштиришда станция навбатчиси Ҳаким Ҳожибоев, поезд тузувчи Раззоқ Раҳимбердиев, стрелкачи Мария Жирова каби илғорларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар станциямизда биринчи бўлиб Вишне-волочокли машҳур йигирувчи Валентина Гаганованинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ортирган бой тажрибаларини кам малакали касбдошларига ўргатишга, прогрессив иш усулларини оғзаки ва кўргазмали агитация воситаси билан кенг пропаганда қилишга киришдилар.

Натижада етти ойлик юк ортиш планини муддатидан 2 ҳафта олдин бажардик. Юк тушириш программаси ҳам муваффақиятли адо этилди. Вагонларнинг бекор туриб қолиш вақти нормадаги 14,6 соат ўрнига 7,5 соатга келтирилди. Коллективимиз Тошкент магистрали темир йўлчилари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчиликни эгаллаб, Темир йўл бошқармаси ва магистрал касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Ш. МИРҲАМИДОВ,
Салор станциясининг бошлиғи.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* Локомотивларни ремонт қилиш муддати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 соатга қисқарди, техника тезлиги эса 3,3 километр-соатга тезлаштирилди.

* 1959 йилнинг биринчи ярмида магистрал темирйўлчилари 1155 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи киритдилар. Улардан 829 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу, бир йил давомида 1020000 сўмликдан зиёд маблағни тежаш имконини беради.

* Бу йил Тошкент темир йўлига қарашли мактабларнинг юқори синфларини 641 йигит ва қиз тамомлаб чиқди. Улардан 150 га яқин йигит ва қиз етуклик аттестати билан бирга махсус токарлик, слесарлик, щоферлик, электр пайвандчи, моторист ва бошқа ихтисослар бўйича гувоҳномалар ҳам олдилар.

* Етти йиллик давомида Тошкент темир йўли бутунлай тепловоз ва электровозлар хизматига ўтказилади. Ҳозирданоқ баъзи участкаларда иккинчи йўллар қурилди, оғир типдаги рельслар ётқизилмоқда.

* Ҳозир магистрал бўйича ташилаётган юкларнинг ярми тепловозлар ёрдамида бажарилмоқда.

Юксак мукофот

Темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришганликлари учун СССР Олий Советининг Президиуми темир йўл транспортининг 4746 ходимини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан 569 киши, шу жумладан темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлинмаларининг ҳамда Тошкент темир йўл бошқармасининг қуйидаги ходимлари мукофотланди:

Ғафуров Абдулла — Урсатьевск паровоз депосининг инструктор — машинисти, **Пронин** Федор Никитович — Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг слесари, **Троицкий** Александр Петрович — Тошкент темир йўл бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, **Тўлаганов** Юнус — Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 1278 киши, шу жумладан темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлинмалари ҳамда Тошкент темир йўл бошқармасининг қуйидаги ходимлари мукофотланди:

Аҳмедов Алиакбар — Тошкент-товар станцияси вагон депосининг вагонлар назоратчиси, **Дмитриев** Николай Иванович — Тошкент темир йўл бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **Карпов** Петр Михайлович — Урсатьевск паровоз депосининг машинисти, **Кузин** Анатолий Дмитриевич — Тошкент-пассажир станциясининг поезд тузувчиси, **Мальцев** Николай Максимович — Тошкент паровоз депосининг машинисти, **Минаев** Николай Матвеевич — Тошкент сигнализация ва алоқа дистанциясининг старший электромеханиги, **Нишонбоев** Зоҳид — темир йўл Тошкент бўлинмасининг бошлиғи, **Прасолов** Михаил Филиппович — Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг бошлиғи, **Ҳасанов** Тўйчи — Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари, **Юнусов** Раҳим — Урсатьевск вагон депосининг старший назоратчиси.

«Ҳурмат белгиси» ордени билан 1680 киши, шу жумладан темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлинмалари ҳамда Тошкент темир йўл бошқармасининг қуйидаги ходимлари мукофотланди:

Барсов Федор Матвеевич — темир йўл Тошкент бўлинмасининг поезд диспетчери, **Динарева** Надежда Яковлевна — Тошкент товар станциясининг старший стрелкачиси, **Исломов** Содиқ Қўчқорович — Тошкент область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори, **Куропаткина** Ирина Александровна — Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг мастери, **Лаптинов** Валентин Михайлович — Темир йўл Урсатьевск бўлинмасининг поезд диспетчери, **Лутфуллин** Ноил — Урсатьевск станциясининг поезд тузувчиси, **Мажидова** Муқаддас — юк хизмати инженер-экономисти, **Мангельдин** Дониёр Искандерович — Дорпрофсожнинг раиси, **Панин** Филипп Колдратьевич — Тошкент йўл дистанциясилинг бригада бошлиғи, **Рисполов** Жалгаспек — Урсатьевск йўл дистанциясининг йўл мастери, **Соатов** Обид — Салор йўл дистанциясининг бригада бошлиғи, **Черкашина** Тамара Афанасьевна — Тошкент кондукторлар резервининг бош кондуктори, **Шорасулов** Ҳамдали — Тошкент тепловоз депосининг фрезерловчиси.

«Шавкатли меҳнати учун» медали билан 516 киши, шу жумладан темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлинмаларининг ҳамда Тошкент темир йўл бошқармасининг қуйидаги ходимлари мукофотланди:

Вовняков Алексей Тимофеевич — Урсатьевск бўлинмаси касаба союз район комитетининг раиси, **Глухов** Александр Кузьмич — Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг электрообмотчиси, **Қолбоев** Мамбет — Тошкент сигнализация ва алоқа дистанциясининг монтёри, **Раҳимбердиев** Раззоқ — Салор станциясининг сигналчиси.

«Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан 703 киши, шу жумладан темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлинмаларининг қуйидаги ходимлари мукофотланди:

Аширов Маҳкам — Тошкент паровоз депосининг навбатчиси, **Гаврилов** Александр Васильевич — Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори, **Каримов** Ҳабиб — Тошкент проводниклар резервининг вагон проводниги, **Нахалов** Георгий Сергеевич — сигнализация ва алоқа хизматининг бош инженери, **Осипов** Петр Дмитриевич — Урсатьевск сигнализация ва алоқа дистанциясининг электромеханиги, **Станиславов** Петр Семенович — Тошкент пассажир станцияси вагон депосининг слесари.

(ТАСС).

Область колхоз ва совхозларида чеканканинг бориши тўғрисида 1959 йил 1 августгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Қуйи Чирчиқ	95,1	Бекобод	71,0
Сирдарё	88,3	Чиноз	68,7
Гулистон	85,4	Янгийўл	60,0
Оққўрғон	80,1	Юқори Чирчиқ	47,8
Бўка	75,2	Пискент	43,1
Урта Чирчиқ	74,6	Оржоникидзе	38,5

Область колхоз ва совхозларида силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1959 йил 1 августгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Районлар	Ҳаммаси бўлиб
Қуйи Чирчиқ	93,5	Урта Чирчиқ	23,9
Юқори Чирчиқ	59,4	Оржоникидзе	21,9
Бўка	53,4	Пискент	20,8
Гулистон	53,9	Чиноз	20,1
Оққўрғон	47,5	Бўстонлиқ	16,6
Янгиер шаҳри	46,9	Калинин	14,4
Боёвут	45,3	Олмалиқ	14,0
Янгийўл	32,9	Оҳангарон шаҳри	12,5
Сирдарё	30,2	Қорасув	10,2
Бекобод	26,7		

СУРАТДА: Темир йўл транспортининг илғорларидан (чап дан) старший машинист В. Н. Немудров, машинист Г. Хусаинов, стрелкачи И. А. Андреев, поезд тузувчи У. Раҳимов, тормозибон В. Захарова, машинист В. Симонов ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

ИЖОДКОР

Уни баландпарвоз сифатдошлар билан таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фрезеровщик Ҳамдам Шорасулов десангиз бас. Минглаб чақирим масофага қулоч ёйган пўлат магистралнинг ҳамма жойида уни яхши танишади. Сиз Тошкентдами, Самарқанддами, Когон ёки Андижондами, хуллас қаерда бўлмасин, унинг ҳақида мақтовли сўзларни эшитасиз.

Самарқанд локомотив депосининг мастери ўртоқ П. Ананьев:

— Биз тепловоз учун деталь тайёрлашда ўртоқ Шорасуловдан кўп нарсани ўргандик, биз унинг айниқса мотор шестерналарини, сув насослари ҳалқаларини ва бошқа деталларни шлифовка қилиш учун ясаган мосламаларини ўз депомизда қўллаб, иш суръатини анча тезлаштирдик,— деса, Когон вагон депосининг рационализатор ишчиси С. Баженов:

— Ўртоқ Шорасуловдан ўрнак олиб, станокларимизнинг айрим қисмларини мукаммаллаштирдик, илгари мамлакатнинг турли жойларидан келтириладиган қатор деталларни бевосита ўз депомизда тайёрлайдиган бўлдик,—дейди. Тошкент тепловоз депоси механика цехининг мастери Армаис Арутюнов эса:

— Ҳамдам бизнинг фахримиз, унинг яқинда жорий этилган 7 та рационализаторлик таклифи меҳнат унумдорлигини қарийб 3 баравар оширди, натижада бирнеча юз минг сўмлик маблағ тежалди,— дейди-да, кейин қўшимча қилади,— бироқ унинг асосий хислати ижодкорликдагина эмас, у жонкуяр, чинакам меҳрибон.

...Кўк жомокорли, тўладан келган новча йигит станок олдида тураркан, фрез паррагининг дамида қатмақат йўнилаётган деталга диққат билан разм солади. Унинг ўнг қўли регуляторда. Ишчи муруватни тез айлантириб, фрезни мўлжалга тўғрилайди-да бир пас кутиб, сўнг кўтаргич ричагни ишга солади. Станина автоматик тарзда бир неча сантиметр баландга силжийди-да, асбобни янада кучлироқ ишлашга мажбур этади.

Фрезеровщик станокни тўхтатдида, детали олиб шаблонга солиштира бошлади, кейин мийиғида кулиб, ярқироқ пўлатни қўли билан силади.

То каттакон деталь йўнилиб бўлгунча 15—20 минут вақт ўтади. Бу вақт ичида касбдошларнинг ишини бориб кўриб, зарур бўлса уларга ёрдам бериши ҳам мумкин. Ишчи ўзидан 5-6 метр нарироқда ишлаётган ўртоғининг ёнига келди.

— Хўш Алёша, ишинг қалай?

Ўрта бўйли ёш йигит пешонасига тушиб турган қўнғир малла сочларини тузатиб кепкасини босиб кияркан, уялинқираб жавоб берди.

— Сиз айтганингиздек қилувдиму, лекин қурғур бўлмаяпти. Ҳамдам ака. Обойманинг ичи яна конус шаклида қайралаяпти. Илож тополмай, бошим қотиб турибди.

Шорасулов касбдошини юпатди.

— Ҳеч қисси йўқ. Ҳозир тузатамиз. Сўнг дам станокка, дам детальга қаради-да кўшиб қўйди.

— Яхши регулировка қилолмапсан. Мана буни тўғрила.

У, Алексей Сорокиннинг станогини тузатиб, эндигина ўз машинаси олдига келган эди, қаршисида Борис Ганиннинг нимадандир диққат бўлиб турганини кўрди. Автомат қўтаргичнинг шпонкаси чиқиб кетиб, Бориснинг станоги тўхтаб қолибди. Бундай ҳолда Ҳамдам Шорасулов тек тура олармиди! У, дарҳол бориб ёрдамлашди. Уста ва собиқ шогирд биргалашиб машинани бир пастда тузатишди. Борис Ганин станокни юргизиб, ишни қайтадан жадаллаштираркан ўзига ҳунар ўргатган, эндиликда эса илғорлар сафига етиштираётган устозига самимий ҳурмат билан қараб қўярди.

...Тонг аллақачон ёришиб кетган. Тунги смена ҳам тугади. Эндигина ўз ётоғидан қўзғолиб Тошкент осмонига чиқаётган қуёш депо хиёбонидаги баҳмал либосли дарахтларнинг кўмкўк барглари орасидан шўх қизлардек мўралаб, ҳалдон чеҳрасини кўрсатаркан, унинг илк ёғдулари бўёғи қуриб битмаган «Молния» ҳарфларида акс этиб жилваланар, гагановачи новатор Ҳамдам Шорасуловнинг ва унинг ёрдамида илғорликка эришган тиришқоқ азаматларнинг номларини зиёга чулғарди.

Ғ. ИСМОИЛОВ.

ПЎЛАТ ИЗЛАР

Ой нури акс этган кенг пўлат издан,
Тепловоз пишқириб, мағрур йўл олар.
Ложувар уфқлар ўйнаб шафоқ-ла
Зўр состав ортида уқадек қолар...
Неча манзилларни ўтиб, ҳадиксиз
Ҳаёлдай чўзилар бу пўлат излар
Чиндан ҳам Ватанга қон томир экан
Чамалаб, хизматин эсласак бизлар...
Минг қатла тақдирлаб бу йўл таърифин
Саҳрога юз тутган дарё десак кам
Тинчликнинг қалъаси, дўстликнинг ипи
Шу йўлла узилмас, метин мустаҳкам.
Шу йўлла гуллайди шаҳар-қишлоқлар
Фаровон ҳаётнинг бу кори-вори
Шу йўлдан кутади бизни келажак
Шу йўлда советлар пўлат карвони...
Шу йўлдан йўл олган зўр эшелонлар
Ўзбекни пахтасин ёяр жаҳонга
Бўз ерлар етказган олтин бошоқлар
Маъмурлик бағишлар ҳар дастурхонга.
Азамат Ватаннинг толиқмас нори
Нафасин ҳовридан тонглар ёришар
Шу йўлдан музаффар етти йилликнинг
Тухфасин ғолиблар ортиб боришар.

Толиб ИУЛДОШ.

Редакцияга хатлар

«ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРАЧИСИ» ГАЗЕТАСИ ОММАГА КЕНГ ТАРҚАТИЛСИН

Физкультура ва спорт билан шуғулланувчи ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар, футбол ўйинлари тез-тез ўтказиб турилади. Спорт янгиликлари билан ҳамма ҳам қизиқади. Ана шу янгиликларни, яъни спорт мусобақаларининг натижаларини билгиси, спорт ҳаёти билан яқиндан танишгиси келади. Бунинг учун дастлаб «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасини қидиради.

Лекин афсуски, бу газета пойтахтимизнинг ҳамма еридан ҳам топила бермайди. Чунки «Ўзбекистон физкультурачиси» кўпгина киоскаларда мутлақо сотилмайди. Бунга мисол қилиб «Союзпечать»нинг 74 ва Носиров кўчасидаги киоскани кўрсатиш мумкин. Ҳатто шаҳарнинг марказий киоскаларида ҳам бу газета жуда оз миқдорда кечикиб сотилади. Шу нарса кишини ранжитадики, шаҳардаги мавжуд газета витриналаридан ҳам «Ўзбекистон физкультурачиси»ни тополмайсиз. Хўш, бу газетани қаердан топиш мумкин?

«Союзпечать» раҳбарлари, «Ўзбекистон физкультурачиси» газета редакцияси коллективи тобора оммавийлашиб бораётган спорт ҳаётини ёритувчи бу газетани оммага кенг тарқатиш, спорт ишқибозларининг ҳақли талабларини қондириш учун зарур тадбирларни амалга оширишлари керак.

Кўпгина спорт ишқибозлари номидан:

Р. АБДУМАЛИКОВ,
Ф. ШАРИПОВ,
Г. МУРОДХЎЖАЕВА.

Тошкент давлат физкультура институтининг студентлари.

Совхоз ишчиларининг талаби

1-«Оҳангарон» совхозининг 5-бўлим ишчиларининг маданий дам олиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун ҳеч қандай маданий ўчоқ йўқ. На ёзлик ва на қишлик клуб қурилмаган. Бу ерга кўчма кино ёки концерт бригадаси келиб қолгудек бўлса, жой йўқлигидан тамоша кўрсатмай қайтиб кетади.

Бўлим раҳбарлари (бошлиғи Дўсанов, ишчилар комитетининг раиси Ғозиев, посёлка советининг раиси Назаров ўртоқлар) ишчиларнинг шу қишлоқда ҳам бирорта клуб қуриб берилсин деган талабларини назарписанд қилмай келаётирлар. Совхоз раҳбарлари бу ишга аралашиб, қишлоқда маданий-оқартув ўчоқлари қуриш учун амалий иш қилишлари керак.

Н. ИКРОМОВ.

Оҳангарон шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси.

Санаторийдаги нуқсонлар

Соя-салқин Захариқ массивига борган киши каттагина темир дарвозани кўради. Дарвозадан кириб, баланд дарахтлар соя ташлаб турган йўлкадан сал юргач, жар ёқасига қурилган кўркам бинога дуч келади. Жарлик томондаги боғ кишининг баҳри-дилини очадиган хушманзара, жаннатдек жой деса бўлади. Бу ерга «8-Март» номидаги аёллар санаторийси жойлашган. Лекин ана шу гўзал боғнинг хусларига доғ бўлиб турувчи ҳуснбузарлар ҳам йўқ эмас. Бу мақолада ана шу нуқсонлар ҳақида гап юритамиз.

Бу санаторий илгари ҳомиладор аёлларнинг дам олиш уйи эди. 1956 йилда у гинекология санаторийсига айлантирилди. Лекин санаторийга айлантирилиши билан бу ерда тартибсизликлар кучайиб, нуқсонлар кўпайиб кетди. Санаторий боғини обод қилишга эътибор берилмади. Бунинг устига салаторий жойидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, унинг ашёларини ўзлаштириб олиш, талон-торож қилиш ишлари юз бера бошлади. Санаторий боғининг ҳуснини бузиб турган кичкина-кичкина пастак уйларда шу санаторийда хизмат қилаётган одамлар турар экан. Улар бош врач ўртоқ Е. П. Сазонованинг бўшанглигидан фойдаланиб, санаторий хоналарини банд қилиб олишган. Улар ўзбошимчалик билан уй қуриб, кириб олишган.

Масалан, ҳамшира А. Овчарованинг олайлик. Овчарова эри билан санаторийга қарашли уйда туради. Бу оила кўпинча тартибсизлик ва жанжалларга сабаб бўлиб, санаторийга келган кишиларни ранжитмоқда.

Санаторий бош врачининг хўжалик ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Миррасулевнинг бепарволигидан фойдаланган хизматчи В. Федосова санаторий ихтиёридаги уйни Я. Руденко деган шахсга 6 минг сўмга пуллаб юборди. Шунингдек Р. Зинкова, М. Разметало, И. Чугай ва санаторийга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган А. Алексеева каби шахслар қолунга хилоф равишда санаторий ихтиёридаги уй-жойларни эгаллаб олишган.

6 минг сўм сарфлаб қурилган 3 та уй санаторий ходимларининг хусусий мулкига айланиб кетган. 80 минг сўмча сарфлаб қурилган кир қуритиш хонаси эса қаровсиз қолдирилиб харобага айлантирилди. Давлат мулкига нисбатан бу каби масъулиятсизлик билан қараш натижасида санаторийнинг мулки барбод бўлмоқда. Бу эса даволаш ишларини яхши йўлга қўйишга тўсқинлик қилаётир.

Санаторий қўшимча хоналарга муҳтож бўлганлигига қарамай, унинг биноларига 26 оила кўчиб кирган. Бу хонадонларнинг аъзолари санаторийдаги ҳамма қулайликлардан фойдаланмоқдалар. Санаторийнинг стол-стулларини ҳам, зарур ашёларини ҳам ана шу оилалардан топасиз. Овчарованинг уйидаги мебеллар ҳам айрим рўзғор буюмлари ҳам санаторийникидир.

Санаторий мулкини ноҳақ эгаллаб олувчилар ҳақидаги сигналлар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг курортлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари бошқармасидаги раҳбар ўртоқларга маълум. Лекин улар нима учундир бу аҳволга чидаб келаётирлар.

Санаторий биносидан юз метрчаларида водопровод колонкаси бор. Лекин санаторий территориясига 15 йилдан бери водопровод келтириш муаммо бўлиб турибди. Водопровод келтириш мақсадида 2,5 минг сўмга смета тузилди. «Водоканал» трести раҳбарлари эса бу ерга водопровод келтиришни ҳамон пайсалга солмоқда.

Санаторийга ёрдамчи хўжалик учун ажратиб берилган ер ҳам қаровсиз ётибди. Бу ердаги мевалик дарахтлар парвариш қилинмайди.

Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашларига хизмат қиладиган бу санаторийнинг ишини тубдан яхшилаш, у ерда даволаш ишларини яхши йўлга қўйиш, унинг боғини обод қилиш зарур. Бу ҳақда курортлар, санаторийлар ва дам олиш уйлари бошқармаси жиддий ўйлаши ва тезда амалий тадбирлар белгилаши керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Бизга ёрдам беринг“

Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхози 3-бўлимининг ишчилари редакцияга хат ёзиб, совхоз ишчилари учун қурилаётган уйларнинг сифатсиз бўлишига қарамай фойдаланишга топширилаётганлиги, шу сабабдан бу уйлар бир йилга қолмай капитал ремонт талаб қилаётганлиги, уйларини ремонт қилиб беришни илтимос қилиб келаётган ишчиларга бўлим бошлиғи Темир Ўрдабоев «хоҳласанг ўтир, хоҳламасанг уйни бўшатиб қўй» деган қўпол жавоб бераётганлиги таҳқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Боёвут район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Макаровнинг редакцияга маълум қилишича, ўртоқ Ўрдабоевнинг ҳулқи 1-«Боёвут» совхози бошланғич партия ташкилоти ва совхоз ишчиларининг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинган. Муҳокамада бўлим бошлиғи Ўрдабоевнинг ўз ишига совуққонлик билан қараб, ишчиларнинг уйларини ремонт қилиш, уларга яхши шароит яратиб бериш тўғрисида уйламаётганлиги, ишчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги, совхоз дирекциясининг уйларни ремонт қилиб бериш тўғрисидаги топшириғини бажармай келаётганлиги кўрсатилган.

Ўртоқ Ўрдабоев бўлимга раҳбарлик қила олмаётганлиги ва совхоз ишчилари билан қўпол муносабатда бўлганлиги учун вазифасидан бўшатилди.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи мартен ва прокат цехларининг комсомол-ёшлари ўз кучлари билан моторли катер қурдилар ва уни «Металлург» деб атадилар. Ёшлар бу катерда Сирдарё бўйлаб экскурсия ва туристик походларга чиқмоқдалар. Суратда: «Металлург» катери Сирдарёда.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Дам олиш уйларида

Бу йил Бўстонлиқ районининг Юсупхон деган баҳаво, хушманзара қишлоғида студентлар учун соғломлаштириш лагери ташкил қилинган эди. Бу ташаббусни В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети бошлаб берди. Дам олиш мавсумининг биринчи навбатида 72 студент ҳордик чиқарди. Студентлар Чимбой, Бурчмулла, Қўксув сингари тоғлик ва шифобахш жойларга экскурсия қилдилар.

Лагерда яна 100 студент дам олади.

Х. Муҳаммадсодиқова.

«Оқтош» санаторийсига келган кишилар кўнгилли ва маданий дам олиш билан бирга шифобахш сув ва мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиб, турли дардларига даво топадилар. Дам олувчилар тоғларда сайр қиладилар, шар-шара бўлиб оқиб турган зилол сувларни завқ билан тамоша қиладилар, унда чўмиладилар. Санаторийда ҳар сменада 250 меҳнаткаш дам олмоқда. Бу мавсумда санаторийда 1000 га яқин дам олувчи меҳнат отпускаларини кўнгилли ўтказадилар.

Б. Қаҳҳоров.

Пойтахтимиздан унча узоқ бўлмаган Заркент, Бош Қизилсой қишлоқлари кўркам манзараси, тоза ҳавоси, соя-салқинлиги билан азалдан донг таратган. Шу кундарда айниқса дам олиш куплари бу жойлар пойтахт меҳнаткашлари билан гавжум бўлади. Бу ердаги Сўқоқ дам олиш уйида эса юзлаб меҳнаткашлар кўнгилли дам олаётирлар.

Ш. Йўлдошев.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

М. ГОРЬКИЙ. — **«Танланган асарлар».** Уч томликнинг учинчи томи 285 бет, тиражи 45.000, баҳоси 15 сўм 65 тийин.

Абдулла ҚОДИРИЙ. — **«Меҳробдан чаён».** (Худоёрхон ва Муншилар ҳаётидан тарихий роман). 249 бет, тиражи 90.000, баҳоси 6 сўм 15 тийин.

Темир ФАТТОҲ — **«Танланган асарлар».** 162 бет, тиражи 10.000 баҳоси 5 сўм, 15 тийин.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» Бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни нашр этди:

З. ИНОМЖОНОВ. — **КПСС XXI съезди совет ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш ҳақида».** 48 бет, тиражи 20.200, баҳоси 60 тийин.

Т. А. ТУТУНЖОН. — **«Эрон деҳқонларининг аҳволи».** 39 бет, тиражи 16.200, баҳоси 60 тийин.

А. М. ЁҚУБОВ, А. В. ҚУЧҚОРОВ. — **«Синтетик материаллар ва уларнинг аҳамияти».** 52 бет, тиражи 14.000, баҳоси 60 тийин.

Венада ёш журналистларнинг учрашуви

ВЕНА, 31 июль. **(ТАСС мухбири).** Бугун Венадаги «Софиензеле»да фестивалга келган ёш журналистлар учрашмоқдалар. Бу учрашувда турли мамлакатлардан келган 100 дан кўпроқ матбуот вакили қатнашмоқда. Шу қадар кўп журналистларнинг ана шу учрашувга ғоят қизиқаётганлигига фақат шу нарсани сабаб қилиб кўрсатиш мумкинки, уларнинг кўплари тинчликнинг тақдири учун ва ер юзида ҳаққозий хабарлар тарқатиш учун матбуот ходимлари ғоят жавобгар эканлигини жуда яхши англайдилар.

Учрашувда раислик қилган Венесуэла вакили, шунингдек доклад қилган Ҳиндистон, Чехословакия ва Аргентина журналистлари матбуотнинг жамиятдаги муҳим роли тўғрисида гапирдилар. Венесуэла ва Аргентина вакиллари ўз мамлакатларидаги прогрессив журналистларнинг матбуот эркинлиги учун ва бу матбуотни АҚШ монополиялари манфаатларига бўйсундиришга қарши оғир шароитда олиб бораётган кураши ҳақида гапирдилар.

Чехословакия вакили ўз нутқида фашизмга қарши оташин курашчи журналист Юлиус Фучикнинг ёрқин образини тасвирлаб берди ва учрашув қатнашчиларини чехословак миллий қаҳрамонининг порлоқ ишларидан намуна олишга чақирди.

Куба журналисти ёрқин нутқ сўзлади. У, Куба халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамда Америка монополияларининг Кубада диктатор Батиста режимини тиклаш йўлидаги уринишларига қарши олиб бораётган кураши ҳақида гапирди.

Югославия журналистининг қисқа нутқидан кейин, раислик қилувчи танаффус эълон қилди.

Ю. БАЖАНОВ.

Ёшлар ва студентларнинг VII Жаҳон фестивалида.

К. Соболев фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

БЕЛЬГИЯ КОНГОСИ ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

БРЮССЕЛЬ, 31 июль (ТАСС). Бельгия Конгоси сиёсий арбобларидан бир группаси Бельгия парламентининг мустамлака ишлари саноат комиссияси аъзоларига баёнот юборгал. Баёнотда группанинг Бельгия Конгосининг келажагига доир нуқтаи назари баён қилинади.

Конгога сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан «маслаҳатлашиш учун» турли комиссиялар юборилаётганлиги муносабати билан баёнот авторлари, Бельгия Конгоси халқи «ала шу комиссияларга бирон бир янги нарсани айта олмайди», деб кўрсатиб ўтмоқдалар. Бельгия Конгоси халқи мамлакатга дарҳол мустақиллик берилишини талаб қилмоқда.

Баёнотда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, Конго халқи референдум ўтказиш йўли билан ўз иродасини изҳор қилмоғи лозим. Конго халқи бундай референдум ўтказилишини кўпдан бери талаб қилмоқда. «Ҳар қалдай бошқача ҳаракат фақат муваққат воситагина бўлади, холос».

«Биз,— дейилади баёнотда, — Марказий Конго Республикаси тузиш плани амалга оширилишини кутамиз. Биз бу планни Бельгия ҳукуматига топширганмиз».

БИРГАЛАШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ КЕРАК

БЕРЛИН, 31 июль (ТАСС). Германия либерал — демократик партиясининг бош секретари М. Герлах деҳқонларнинг Этцдорфдаги (Карл—Маркс Штадт округи) йиғилишида сўзга чиқиб, иккала герман давлатининг барча тинчликсевар кучлари бундесвергнинг атом қуроли билан қуроллантирилишига йўл қўймаслик мақсадида биргалашиб ҳаракат қилишлари зарур деб таъкидлаган. У, бу мақсадга эришиш учун Германия билан сулҳ шартномаси тузиш анча ёрдам берар эди, деб ўқириб ўтган.

Франция ҳукумати Марокаш ҳукуматининг норозилигини рад қилди

ПАРИЖ, 31 июль. (ТАСС). «Юманите» газетасининг хабар беришича, Франция ҳукуматининг вакили французларнинг Саҳрои Кабирда ядро қуроли синовларига қарши норозилик билдирган Марокаш ҳукуматининг дотаси Франция ҳукумати томонидан рад қилинганлигини айтган.

СССР БИЛАН ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР

Дўстона ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик вазиятида ўтган музокаралар натижасида 31 июлда Москвада СССР билан Индонезия Республикаси ўртасида 1960 йилги товар оборот тўғрисидаги Протокол имзоланди.

СССР билан Индонезия ўртасида 1956 йил 12 августда имзоланган савдо битимига мувофиқ тузилган бу Протокол ҳар иккала мамлакат ўртасида товар оборотини анча кенгайтиришга қаратилган амалий тадбирларни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Индонезияга машина ва ускуналар, қора ва рангли металл прокати, цемент, ўғит, пахта ва ип-газлама, қоғоз, автопокришкалар ва бошқа товарлар юборади; Индонезия Совет Иттифоқига каучук, кўн-тери, кофе, чой, доривор, ўсимлик мойи ва бошқа товарлар етказиб беради. (ТАСС).

АҚШ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ НИКСОН СССР БЎЙЛАБ ҚИЛГАН САФАРИДАН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

АҚШ вице-президенти Ричард М. Никсон ва унга ҳамроҳ бўлган шахслар Совет Иттифоқи бўйлаб қилган сафаридан 31 июль тушдан кейин Москвага қайтиб келдилар. Америкалик меҳмонлар Ленинград, Новосибирск, шунингдек Свердловск ва Уралнинг бошқа шаҳарларида бўлдилар.

Внуково аэродромида АҚШ вице-президентини СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Американинг Москвадаги элчихонаси ходимлари ҳам бор эдилар.

АҚШ вице-президенти аэродромда тўпланган совет ва чет эл мухбирларига ўзининг совет мамлакати бўйлаб қилган сафари ажойиб ва жуда қизиқарли бўлганлигини айтди. Ана шу сафарни яна икки ҳафтага чўза олмаганимдан афсуслананман, холос, деди у.

Р. Никсон мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, совет кишилари америка халқига нисбатан ғоят дўстона муносабатда бўлганлигини кўрсатиб ўтди. (ТАСС).

КОРЕЙС ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ГРАЖДАНЛАРИДИР

ПХЕНЬЯН, 31 июль. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикасида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида қонун қабул қилинган кунга кеча ўн уч йил тўлди.

Шимолий Кореяда демократик ўзгаришлар амалга оширилганлиги ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида қонун қабул қилинганлиги натижасида, деб ёзади Корея демократик хотин-қизлар союзи Марказий Комитети президиуми раисининг ўринбосари Ким Ен Су «Минчжу Чосон» газетасида, Корейс хотин-қизлари ўзларининг буюк орзуларига эришдилар—сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб, мамлакатнинг чинакам эгалари бўлиб олдилар.

САБЗАВОТЧИ МУҲИТДИНОВ ТАШАББУСИНИ ОММАЛАШТИРАЙЛИК

Дастурхонимиз тўкин бўлсин деб...

— Колхозчиларимизнинг ҳаракати зўр, илғор бригадаларимиз Муҳитдинов ташаббусига қўшилиб сабзавот, картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар, — дейди раис, — шу кунларда шаҳардаги дўконлар орқали аҳолига кўплаб сабзавот ҳосили етказиб бермоқдамиз.

Бу колхоз аъзоларининг қайси бири билан суҳбатлашманг, улар ўз меҳнатларининг самарали натижалар бераётганлигидан қувониб гапирадилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тўғрисидаги қарорига амал қилган меҳнатсевар колхозчилар хўжаликни юксалтириш йўлида янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар.

Бу йил колхозда 61 гектар ерда картошка, 54 гектар ерда сабзавот экинлари ўстирилмоқда. Шунингдек ҳар гектар ердан 20 тоннадан помидор, 10 тоннадан пиёз, 20 тоннадан карам етиштириш учун курашилмоқда. Бу экинлар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда парвариш қилинаётганлиги туфайли ҳосили мўл бўлмоқда.

Қорасув районидаги «XXI партсъезд» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Н. Муҳитдиновнинг сабзавотчиликда механизацияни кенг жорий қилиш тўғрисидаги мактуби газетада эълон қилинганида колхоз аъзолари уни қизғин муҳокама қилиб, бу ташаббусга қўшилган, юқори ҳосил етиштириш тадбирларини белгилаб чиққан эдилар. Шундан буён анчагина вақт ўтди. Муҳитдиновчи бригадалар экинларни парвариш қилишда трактор кучидан кенг фойдаланиб, ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Махсид Норматов бошлиқ 4- бригада ана шундай бригадалардан ҳисобланади. Бу бригадада 8 гектар ерга квадрат-уялаб картошка экилиб, узунасига ва кўндалангига культивация қилинди. Шунингдек, ўсимлик суперфосфат ва сульфат аммоний ўғитлари билан икки марта озиқлантирилди, қондириб суғорилди. Шу туфайли картошка яхши ривожланди, ҳосили мўл бўлди.

Маккажўхори чорва молларининг энг севимли озиқаси эканлигини яхши тушунган колхоз аъзолари бу қимматбаҳо ўсимликни парвариш қилишга ҳар йилгидек бу йил ҳам катта аҳамият бермоқдалар. 43 гектар ерда маккажўхори етиштирилмоқда. Шундан 20 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўхори экилган эди. Механизаторлардан Қутбиддин Зайниддинов, Аловиддин Салоховлар маккажўхори ўсимлигини узунасига ва кўндалангига моҳирлик билан культивация қилдилар. Ҳар гектар ердан 20 центнердан дон ҳосили, 400—500 центнердан кўкпоя олиш мўлжалланган. Етиштирилаётган ҳосил ана шу мажбуриятни ортиги билан бажариш имкониятини беради.

Колхознинг қайси бир бригадасига борманг, колхозчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётганлигини кўрасиз. Шаҳарлик биродарларимизнинг дастурхони тўкин бўлсин, деб меҳнат қилаяпмиз, дейишади улар. Колхоз правлениеси бойлик яратувчи аъзаматларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берган. Дала шийпонлари кўркам, колхозчиларнинг маданий дам олиш жойига айлантирилган. Бунга жавобан колхозчилар кундалигунга самарали меҳнат қилмоқдалар. Етти йилликнинг биринчи йилида давлатга сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Калинин районидаги «Коммунизм» колхози.

Суратда: Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда силос бостирилмоқда.

В. Салов фотоси.

Бутун дунёда тинчлик учун!

31 июль кечқурун Тельман номли паркнинг ёзги театрида республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг Жаҳон Тинчлик Кенгаши Стокгольм сессияси ишининг якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев йиғилишни очиб, доклад учун Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитетининг раиси С. Н. Нуриддиновга сўз берди. С. Н. Нуриддинов сессия томонидан қабул қилинган ҳужжатларни характерлаб берди. Бу ҳужжатлар тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг куч-қудрати ўсиб бораётганлигини, соф виждонли барча кишилар уруш оловини ёқувчиларнинг жиноятқорона планларини барбод қилишга қатъий бел боғлаганлигини акс эттиради. Барча мамлакатлардаги халқлар, деди докладчи, ўз куч ва ғайратларини мустаҳкам ва узоқ давомли тинчлик учун курашга қаратиб, Совет Иттифоқига умид билан қарамоқдалар. Совет Иттифоқининг доно ташқи сиёсати бутун тараққийпарвар инсониятнинг манфаатларига жавоб беради. КПСС XXI съездининг қарорлари халқаро муносабатларни соғломлаштириш ишига жуда қимматли ҳисса бўлиб қўшилди. Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг съезд томонидан белгиланган улуғвор планлари совет давлатининг халқаро обрўсини янада оширди, тинчлик тарафдорларининг позицияларини анча мустаҳкамлади.

Бутун совет халқи билан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам тинчликни империалистларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилишга қатъий бел боғлагандирлар, дейди докладчи. Республиканинг ишчи, колхозчи ва зиёлилари етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришни, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва давлатга топшириш ҳамда бу билан совет социалистик давлатининг куч-қудратини ялада мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчлари деб биладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ю. Юнусов минбарга чиқади. У империалистик давлатлар, аввало Америка Қўшма Штатлари атом уруши бошлаб юбориш, буюк илмий кашфиётдан одамларни ялпи қириш учун фойдаланиш йўлидаги уринишлари ҳақида ҳаяжон билан гапиради.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари Н. Е. Барков ўз лутқида тинч яратувчилик меҳнати билан шуғулланаётган совет ёшларининг порлоқ орзулари ҳақида гапиради. Республика пойтахтининг йигит ва қизлари, дейди у, бутун дунёда тинчлик таянчи бўлган Советлар мамлакатида яшаётганликлари ва меҳнат қилаётганликлари билан фахрланмоқдалар. Совет ёшлари жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларидаги муваффақиятларни кўпайтириш, КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун ўз куч ва ғайратларини аямайдилар.

Тепловоз депосининг мастери Х. Файзуллаев сўзга чиқади. У совет ҳукуматининг Жаҳол Тинчлик Кенгаши Стокгольм сессияси қарорларини қизғин қўллаб-қувватлаганлиги ҳамда халқаро миқёсдаги жанжалли масалаларнинг музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилишига эришиш учун тинмай ҳаракат қилаётганлиги муҳим факт эканлигини таъкидлайди.

Шоир Мирмухсин тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг кучи мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида, совет кишиларининг халқлар ўртасида дўстликдан иборат ленинча буюк принципларга содиқ эканлиги ҳақида гапиради.

Йиғилиш бир овоздан қабул қилинган резолюцияда Жаҳон Тинчлик Кенгаши Стокгольм сессиясининг иш якунларини ҳамда Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг пленуми қарорларини қизғин маъқуллади.

Йиғилиш қатнашчилари ташқи ишлар министрларининг Женева кенгаши қатлашчиларига мурожаат юборишга якдиллик билан қарор қилдилар. Мурожаатда Женева кенгаши бутун инсоният манфаатдор бўлган ижобий натижалар беради, деб умид билдирилади.

Йиғилиш Греция короли Павел I га ҳам телеграмма юбориб, Афина ҳарбий трибуналининг Манолис Глезос ва бошқа грек демократлари устидан чиқарган шармандали ҳукмининг бекор қилинишини талаб этди. (ЎзТАГ).

Ўрта Осиё политехника институтида

ЎҚИШ ШАРОИТИ ЎЗГАРТИЛДИ

Республикамизда тўхтовсиз ривожланаётган техника соҳаларига етук кадрлар етказиб бериш мақсадида институтда пласмассалар технологияси, кимё саноати машиналари ва аппаратлари технологияси, газ ва вентиляция, автоматика ва телемеханика бўлимлари очилди.

Шу билан бирга СССР Олий Советининг қарорига асосан бу йил институтга қабул қилинадиган студентларнинг ўқиш шароитлари ҳам ўзгартирилиб, улар айни вақтда ўқиш билан бирга ўз мутахассисликлари бўйича турли саноат корхоналарида ишлайдилар.

Институт маъмурияти студентларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ўқишни шу ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган ерда олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилди. Жумладан, тоғ факультетига ўқишга қабул қилинганлар Олмалиқ шаҳрида, кимё-технология, механика ва энергетика факультетининг студентлари Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги йирик саноат корхоналарида ишлаб туриб ўқишни давом эттирадилар.

А. ТОЖИЕВ.
Институт комсомол комитетининг секретари.

ДИПЛОМ ЗАВОДДА ЁҚЛАНДИ

Яқинда кимё-технология факультетининг дипломанти А. Коган Тошкентдаги 1-вино ва спирт заводини реконструкция қилиш ҳақида ёзган дипломини шу заводда ёқлади. Унинг диплом ишида заводни реконструкциялаш билан бир қаторда цехларни автоматлаштириш ва механизациялаш, маҳсулот таннархини 30 процент камайтириш, иссиқлик ва электр энергияси ҳамда транспорт учун бўладиган харажатларни бирмунча қисқартириш проблемалари ҳал қилиб берилган.

Диплом ёқлаш пайтида қатнашган заводнинг инженер ва техник ходимлари, цех бошлиқлари, конструкторлик бюросининг хизматчилари ва давлат имтиҳон комиссиясининг аъзолари А. Коганнинг ишига аъло баҳо бердилар.

Қ. АҲМЕРОВ.

Тошкент темирйўлчилар маданият саройи ҳузуридаги кутубхона ва қироатхона темирйўлчиларнинг маданий дам олиш жойига айланган. Кутубхона фондида ҳозир 41 мингдан ортиқ китоб бор. Бу китоблардан доимий қатновчилар, шунингдек узоқ разъездлардаги темирйўлчи китобхонлар ҳам фойдаланишади. Уларга кўчма кутубхоналар хизмат қилади. Кутубхонада турли темаларда тез-тез китобхонлар конференцияси ўтказиб турилади. Суратда: кутубхонада.

Ф. Осипов фотоси.

ҚАДИМИЙ ХАЛҚ ПОЭЗИЯСИНИНГ АНТОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти яқинда қорақалпоқ поэзияси антологиясини биринчи марта ўзбек тилида босиб чиқарди. Китобхонларга ажойиб совға бўлган бу тўпламда фольклор асарларига кенг ўрин берилган. Антологияда «Алпомиш», «Ойпарга» ва «Қирқ қиз» каби эпик поэмалар босилган. Революциядан илгариги даврда ижод қилган шоирлардан Жиянбахши, Кунхожи, Ошиниёз, Бердах, Ўташ, Умар ва Гулмурод каби ижодкорларнинг энг яхши шеърларини китобхонлар севиб ўқийдилар. Антологиянинг совет поэзияси бўлимида Аяпберган Мусаев, Аббос Добилов, Содик Нуримбетов ва Асон Бегимовларнинг асарлари босилган.

Бу катта тўпламга киритилган асарларни ўзбек тилига таржима қилишда Миртемир, Мамарасул Бобоев, Шукрулло, Аббосов, Шоди Гулом, Туроб Тўла ва бошқа ўртоқлар анчагина ижодий меҳнат сарфлаганлар.

Районда 20 та киноустановка

Ғўза парвариши авж олдириб юборилган шу кунларда Оржоникидзе район маданият бўлими колхозчиларга маданий хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ҳозир районда ҳаммаси бўлиб 19 та доимий киноустановка ишлаб турибди. Яқинда яна битта кўчма киноустановка ташкил қилинди. Ўртоқ Тўра Қорабоев механиклик қилаётган бу кўчма киноустановка райондаги колхозларда ҳамда пионер лагерларида тез-тез бўлиб, турли кинофильмлар намойиш қилмоқда.

Район кинофикация ходимлари яхши ишлаётганлари туфайли кино кўрсатиш планини мунтазам равишда 105 — 110 процент қилиб бажармоқдалар.

Т. МИРҲОДИЕВ.

ИШЧИЛАР КОЛХОЗЧИЛАРГА КУМАКЛАШМОҚДАЛАР

Тошкент экскаватор заводи коллективи Чиноз районидаги Навоий номли колхозни оталикка олган. Завод ишчи ва хизматчилари ўз оталикларидаги бу колхозга яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ишчи-хизматчилар коллектив бўлиб тез-тез колхозга чиқиб туришади. Улар яқинда колхоз техникасини ремонт қилувчи устахонани асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб бердилар, айрим бригадалардаги дала шийпонларини зарур анжомлар билан таъминладилар. Бундан ташқари далада хашаротларга қарши курашда актив иштирок этдилар. Бу тадбирни амалга оширишда 200 га яқин ишчи-хизматчи икки ҳафта колхоз даласида бўлди.

Колхоз аъзолари оталикка олган завод коллективининг кўрсатаётган ёрдамидан миннатдор бўлмоқдалар.

Б. ГОЛЬДИН.

СИЛОС БОСТИРИЛМОҚДА

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор бригадаларида сабзавот ва картошка экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Ўртоқ Зокир Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари чорва моллари учун мўл-кўл ем-хашак жамғариш мақсадида сабзавот, картошка билан бир қаторда 5,5 гектар ерга маккажўхори ҳам экган эдилар. Маккажўхори сифатли парвариш қилинганлиги туфайли яхши ривожланди, силосбоп бўлиб етилди.

Бригада аъзолари силос бостириш ишига эрта киришдилар. Улар бу ерларнинг ҳар гектаридан камида 42 тоннадан силос бостиришга аҳд қилганлар. Ҳозирги кунда силос бостириш қизғин бораяпти. Бу ишда колхозчи Йўлдош Мансуров ҳаммага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётир. Бригада аъзолари чорва моллари учун сифатли силос тайёрлаш мақсадида зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам силос бостириш давом этмоқда.

Н. ИСАЕВ.

Тиббий қўлёзмалар ўрганилмоқда

Суратда: (чапдан) Шарқ медицина бўлимининг бошлиғи Ф. Иброҳимов, бўлимнинг кекса илмий ходими Абдураҳим ота Каримов ва Муҳаммаджон Маҳмудов ўртоқлар илмий иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

Шарқ халқлари жаҳон фани ва маданиятини бойитишга катта ҳисса қўшганлар. Меҳнаткаш халқ орасидан бутун дунёга машҳур бўлган ажойиб фан арбоблари етишиб чиққан. Булар орасида медицина фанининг йирик вакиллари — халқ табиблари алоҳида ўрин тутади. Барча халқлар Бянь-Цао, Хуо-то, Ли-ши чж-эн ва Абу Али ибн Сино каби атоқли олимлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Шарқ олимлари медицина ва фармакология соҳасида катта тажриба тўплаб келгуси авлодлар учун нодир мерос қолдирганлар.

Қадимги табиблар қўллаган даволаш усуллари ва дори-дармонлар ҳозирги замон медицинасида қўлланилганда ҳам яхши натижалар бермоқда. Лекин бу ҳали медицинадан етарли ўрин олганича йўқ.

Ибн Синонинг «Ал-қонун»идан ташқари ҳали ўрганилмаган кўпгина тиббий асарлар бор.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, Тошкент медицина институти асосий кутубхонасида ва бошқа жойларда Абу Али ибн Синодан олдинги ва кейинги олимлар томонидан араб ва форс тилларида ёзилган кўпгина тиббий қўлёзмалар сақланмоқда. Булар орасида ал-Масихи бухоролик табиб ал-Қумари, машҳур табиб Абул-Қосим аз-Заҳрави, Ибн-ал-Нафиси ал-Қураши, ал-Жоғмини ва бошқаларнинг асарлари бор. Бу асарларни ўрганиш, улардан ҳозирги замон медицинасида унумли фойдаланиш, янги-янги дори-дармонлар ва даволаш усулларини аниқлаш медицина ходимларининг асосий вазифаларидан биридир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўлка медицина институти ҳузурида яқинда янги, шарқ медицина бўлими очди.

Бўлим олдига шарқ классикларининг ижодий меросларини ўрганиш, шарқ тиббиётида қўлланиладиган дори-дармонларни системага солиш, турларини белгилаш, улар ичидан фойдали бўлганларини аниқлаш ҳамда фармакологик текширишдан сўнг ҳозирги замон медицинасида қўллаш учун тавсия қилиш каби вазифалар қўйилган.

Бўлим иши экспериментал ва назарий тарзда олиб борилади. Экспериментал йўсинда тадқиқот ишлари олиб боришга кўпроқ ўрин берилмоқда. Чунки бунда илмий методлар асосида дориларнинг янги турлари тезроқ юзага чиқарилади. Бунинг учун қадимги шарқ тиббий китобларини ўрганиш ва табиблар билан суҳбат қилиш туфайли энг фойдали дорилар ажратиб олинади.

Бўлим фаолиятининг назарий томони эса аҳоли ўртасида тарқалиб кетган, турли кутубхоналарда сақланаётган шарқ тиббий асарларини топиш, уларни системага солиш, шарқ тиббиёти тарихига оид материалларни йиғиш, табобат йўли билан даволашнинг эффектив томонларини ўрганиш, тиббий дориларнинг лотинча номларини аниқлаш ва топилган дориларнинг кимёвий таркиби ҳамда фармакологик хусусиятларини белгилашдан иборатдир.

Ҳозир юқорида кўрсатилган жойларда форс ва араб тилидаги 150 га яқин тиббий қўлёзма сақланмоқда. Бу қимматли асарларнинг кўпчилиги шу пайтгача архив материали сифатида ўрганилмай ётарди. Бу махсус бўлим ташкил этилгач ана шу асарлар синчиклаб ўрганишга киришилди.

Бўлимда форс ва араб тиллари бўйича мутахассис А. Маҳмудов, 70 ёшли Ҳожи ота Расулев, А. Каримов, Ф. Исломов каби кекса илмий ходимлар машҳур олимлар томонидан асрлар мўқаддам ёзилган нодир шарқ тиббий қўлёзма саҳифалари узра кўз тикиб, халқ соғлиғини сақлаш йўлида ихлос билан меҳнат қилмоқдалар. Бўлимга медицина фанлари кандидати Фаттоҳ Иброҳимов бошчилик қилаётир.

Медицина фанимизни бойитиш учун шарафли иш бошлаган шарқ медицина бўлими коллективига катта муваффақиятлар тилаймиз

Н. НАСИМОВ.

Ўртўқмоқ

Гўшт дўконларидаги ҳангомалар

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри аҳолисини гўшт билан таъминлаш алча яхшиланди. Шаҳар бозорларидаги дўконлардан истаган гўштингизни ҳар вақт олишингиз мумкин. Аммо меҳнаткашларнинг гўшт билан таъминлаш ишига ўз шахсий манфаатларинигина кўзлаб ҳалал бераётган олғирлар борки, уларга қарши қаттиқ курашмасдан туриб бу соҳада тартиб ўрлатиб бўлмайди.

Масалан, Олой бозорида турли ташкилотларга қарашли кўпгина гўшт дўконлари бор. Бу дўконларга гўшт вақтида етказиб берилади. Лекин ана шу гўшт дўконларида ишловчи бепаросат, қўпол савдо ходимлари харидорларни қаттиқ ранжитиб қўймоқдалар. Бу дўконларда кўпинча эскириб, ҳидлаиб қолган гўштлар сотилади. Мана Куйбишев райпишчеторгига қарашли 1-магазин. 31 июль куни бу дўконда ялғи гўшт бўлгани ҳолда соат 5 даёқ беркитиб қўйилди. У эрта соат 7 да очилиши керак эди. Эрталаб ҳам 3 соат кечикиб очилди. Биз сотувчидан норози бўлиб унинг фамилиясини сўраган эдик.

— Айтмайман,— дея қўпол жавоб қайтарди.

Кейин билсак бу одам Ҳолмат Йўлдошев экан. Магазин ичкарисига кирсангиз эски латта, сасиган гўшт бурдалари бир чеккада уюлиб ётган ахлат, сон-саноқсиз пашшалар кўнгилни оздиради. Йўлдошевнинг ўзи бўлса бир неча ойдан буён санитария кўригидан ўтган эмас. Соқол-мўйловлари ҳам ўсиб кетган. Ҳатто у райпишчеторгда сотувчи сифатида рўйхатга ҳам олинмаган. Унинг ўғлининг ҳам ҳеч қандай ҳужжати бўлмаслигига қарамай гўшт дўконида хизмат қилмоқда. Магазин мудири С. Аверкиев бўлса парвои-палак. Бу тартибсизликлар уни мутлақо қизиқтирмайди. Биз ундан бундай бепарволикнинг сабаби нимада деб сўраган эдик, у:

— Бор қўлингдан келганини қил, — дея дағал жавоб қайтарди.

Худди шу дўконнинг ёнгинасидаги Киров райпишчеторгига қарашли 55-магазинда аҳвол юқоридагидан яхши эмас. Бу ерда ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз, санитария кўригидан ўтмаган М. Расулев, А. Юнусовлар савдо қилишади. Магазин мудири А. Штернин ана шундай тартибсизликларни Киров райпишчеторгининг директори А. Ҳасановнинг топшириғи билан қилаяпман дея, айбни бошқа томонга ағдаришга уринди.

Киров район 32-гўшт дўконида сотувчи бўлиб ишлаётган Сойиб Мақсумов дўкони ифлос тутишда, пашша илашган гўшт сотишда бошқалардан қолишмайди.

Юқоридаги тартибсизликлар ҳақида шаҳар савдо бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турковага мурожаат қилган эдик «гўшт дўконларига кирсам ёмон ҳид нафасимни бўғади, бу ишлар билан мен қишда, яъни гўшт сасимайдиган вақтлардагина шуғулланишим мумкин» дея жавоб берди.

Юқоридаги номлари қайд қилинган гўшт дўконларида тартиб ўрнатиш вақти келмадимикан. Қачонгача бу дўконларда ҳужжатсиз, жавобгарликни ҳис қилмайдиган, ўз шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган беҳаёлар кишилар ишлайди!

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ҚАДРДОНИМИЗ „УРТЎҚМОҚ“

Аввало сенга Октябрь район Қўштут маҳалласи меҳнаткашларидан саломлар йўллаймиз. Сўнгра бизнинг ҳал бўлмай келаётган бир мушкулимизни ҳал қилишда хизматингни дариғ тутмасингни сўраймиз. Бизнинг маҳалламизда 4 та артель, 3 та мактаб ва яна бир неча ташкилот жойлашган бўлиб, аҳолисининг умумий сони бир неча мингга етади.

Илгари бу ерда газета сотадиган киоска ва икки сартароқ хона мунтазам ишлаб турар эди. Лекин бир неча ой бўлдики ана шу дўконлар ҳеч қандай сабабсиз беркитиб қўйилди. Газета олиш учун бир неча километрлаб йўл босишга, соқол олдириш учун бошқа маҳаллаларга қатнашга мажбур бўлаётирмиз. Бу ҳақда биз кўп ташкилотларга арз қилдик. Ҳамма жойдан ҳам қуруқ ваъдалар олдик, холос. Ваъдани газета қилиб ўқиб бўлмаслиги ҳаммага аёнку ахир! Шулингдек маҳалламизда иккита колхоз дўкони бор. Лекин аксига юргандек бу дўконлар ҳам сўнгги кунларда дуруст ишламай қўйди. Дўконлар гоҳо ёпиб қўйилади. Кўп вақт бу дўконларда сўлиган бодринг, айниган помидор, ёки қуриб қолган карам сотилади. Сотилаётган сабзилар қуруқ баргдан иборат бўлади. Биз бу ҳақда ҳам район раҳбарларига қайта-қайта арз ва шикоятлар қилдик. Ҳаммаси ҳам натижасиз қолиб кетмоқда.

Ҳурматли «Ўртўқмоқ» бошқа жойларга борганинг каби бизнинг маҳалламизга ҳам бир келиб кетсанг. Зероки пойи қадаминг ёқиб юқоридаги камчиликлар бартараф бўлиб кетса. Йўлизга интизор бўлиб кутиб турамиз. Маҳалла меҳнаткашлари номидан:

Қ. Мансуров, С. Мўминов, М. Исмоилов, М. Мирзаев, А. Азизмуҳаммедов.

МОСКВАГА, СПАРТАКИАДАГА

СССР халқларининг II спартакиадаси Ватанимиз пойтахти Москвада 8 дан 18 августгача давом этади. Республикамизнинг 400 га яқин энг кучли спортчиси спортнинг барча турлари бўйича ана шу спартакиадада қатнашадилар.

Ўзбек полвонлари спартакиадада миллий кураш бўйича ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Булар орасида бухороча кураш қоидаси бўйича Ўзбекистон чемпиони Ш. Нурматов ва Т. Жумаев, фарғонача кураш қоидаси бўйича чемпион Г. Тўраев ва Ҳ. Бегматовлар бор.

Бугун „ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА“ газетасида

Биринчи саҳифа темирйўлчиларнинг байрамига бағишланган. Бу ерда СССР Олий Совети Президиумининг темир йўл транспортининг ходимларидан бир группасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармони, шунингдек темир йўл транспорти ишчи ва хизматчиларидан бир группасининг орден ва медаллар билан мукофотланганликлари тўғрисида хабар эълон қилинган.

Иккинчи саҳифада Бекобод пахтия ташкилоти активи йиғилишини акс эттирувчи хабар, М. Дубинский ва Е. Завалишининг 1-«Боёвут» совхозидан ғанишерчилар тўғрисидаги корреспонденцияси босилган.

Учинчи саҳифада Н. Погодининг «Зятик» номли ҳикояси ва чет эл хабарлари ёритилган.

Тўртинчи саҳифада Ўзбекистон артистларининг Украинада бераётган концертларининг муваффақият билан ўтаётганлиги тўғрисида ва бошқа бир қанча маҳаллий хабарлар эълон қилинган.

ҲОДИСА

ТАКЯХОНА ФОШ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар Фрунзе район милиция бўлими «Селикатная» кўчасидаги бир уй такяхонага айланиб қолгани, бу ерга айрим бангиларнинг тез-тез келиб туришлари ҳақида меҳнаткашлардан сигналлар олди.

Милиция ходимлари бу сигналларни дарҳол аниқлашга киришди. Текшириш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам «Селикатная» кўчасидаги 10-уйда яшовчи Хилват Ёқубов узоқ вақтлардан буён бирор ерда ишламай доимий равишда Чиноздан наша келтириб сотиш билан шуғулланиб келган. Уйини эса такяхонага айлантириб қўйган.

Яқинда ОБХСС ходимлари ва меҳнаткашлар ёрдамида такяхона фош қилиниб, уй эгаси Хилват Ёқубов наша сотаётганида қўлга олинади.

Гражданлик оборотидан чиқарилган зарарли нарса билан савдогарчилик қилиб келган Х. Ёқубов жиноий жавобгарликка тортилди.

Ю. ВОЛОГИН.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

Телевизор экранида

2 АВГУСТДА

12.00. Ёшлар учун эшиттириш. М. Горький номли рус драма театридан «Қуёнч излаб» спектакли олиб кўрсатилади.

19.00. Ўзбек тилида Темирйўлчилар кунига бағишланган эшиттириш.

20.00. Киножурнал.

20.10. Сўнгги ахборот.

20.30. Кинопоэма — «Осмон қуши» (бу фильмни 16 ёшга тўлмаган болаларнинг кўришлари мумкин эмас).

3 АВГУСТДА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун концерт.

19.50. Киножурнал.

20.00. «Пахтакор» стадионидан мамлакат биринчилиги учун «Б» класси бўйича мусобақалашаётган «Меҳнат резервлари» (Тошкент) ва «Спартак» (Фрунзе) командалари ўртасидаги футбол ўйини олиб кўрсатилади.

20.45. Сўнгги ахборот.

21.05. Бадиий фильм — «Қочқин».

22.35. Рус тилида адабий-драматик эшиттириш. Давлат Малий театрининг «Босқин» спектаклидан кўриниш.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VIII да **Равшан ва Зулхумор**, 3/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Разведкачининг жасорати**, кеч соат 10 да кенг экранли фильм **Бир йиллик йўл** (1 ва 2-серия).

«ВАТАН» — кеч соат 9-10 минутда **Лилея**, кеч 11 да **Разведкачининг жасорати**.

«ИСКРА» — 1 ва 2-залда кеч соат 8-20 минутгача **Йигитлар нори**, 3-залда кундуз ва кечқурун **Лилея**.

«УДАРНИК» — **Турли тақдир**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Лилея**, 2-залда **Севги учрашуви**.

КАФАНОВ номли — **ЧП (Фавқулодда ҳодиса)** — 1 ва 2-серия.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Лилея**, кеч соат 10 яримда **Йигитлар нори**.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 9 да **Йигитлар нори**, кеч 10 яримда кенг экранли фильм **Бир йиллик йўл** (I ва 2-серия).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2 августдан бошлаб Октябрь районининг Қорасарой кўчасида **ТУТИЛГАН БУЮМЛАР СОТАДИГАН**

Шаҳар бозори очилди

Тошкент шаҳрининг бошқа ҳамма бозорларида тутилган буюмлар сотиш тақиқланади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Савдо бошқармаси.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

2 августда

катта КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Абдуғафур Абдурахмонов**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ҳожиакбар Аҳмедов**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Кенжа Отажонов, Мунаввар Давлатова**, солистлардан **Адиба Мирзаева, Ҳадяҳон Юсупова, Сорахон Шукурова, Тамат Знёхонова, Суръат Пўлатов, Шерали Пўлатов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«РЕМСТРОЙКОНТОРА»га

ишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, ёрдамчи ишчилар, бинокорлик касбларига **шогирдлар**

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 41- уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135, Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 07276. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1648.